



THE USE OF PROVOCATIVE QUESTIONS AND THE DISSEMINATION OF FALSE INFORMATION IN THE DISCREDITING OF CIVIL SERVANTS

Gulchekhra Sayfullaevna Ashurova

Independent Researcher

Academy of Public Policy and Governance

under the President of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: public sphere, mass media, public opinion, traditional roles, openness, accountability, social responsibility, state image, trust between government and society, administrative governance culture, constructive thinking, “Social Media Savvy,” informant, feedback, provocative questions, professional ethics, cognitive competence.

Received: 02.12.25

Accepted: 02.12.25

Published: 02.12.25

Abstract: This article examines the culture and strategic approaches of civil servants in responding to inconvenient and provocative questions during interactions with the mass media. Drawing on international experience, the study explores various tactical models of handling provocative inquiries. Furthermore, the legal foundations of media cooperation and information disclosure within the framework of the legislation of Uzbekistan are analyzed.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИ ОБРЎСИЗЛАНТИРИШДА ПРОВОКАЦИОН САВОЛЛАРДАН ФОЙДАНИШ ВА ЁЛҒОН АХБОРОТ ТАРҚАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Гулчехра Сайфуллаевна Ашурова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат

сийёсати ва бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: жамоатчилик, ОАВ, ижтимоий фикр, традицион роллар, очиқлик, ҳисобдорлик, ижтимоий масъулият, давлат имиж, ҳукумат ва аҳоли ўртасидаги ишонч (trust between government and society), маъмурий бошқарув маданияти, конструктив фикр, “Social

Аннотация: Мазкур мақолада давлат фуқаролик хизматчиларининг оммавий ахборот воситалари (ОАВ) билан ўзаро муносабатларида ноқулай ва провокацион саволларга жавоб бериш маданияти ҳамда стратегик ёндошувлари таҳлил қилинган. Халқаро тажриба асосида

Media Savvy”, информатор, feedback, провокацион саволларга жавоб беришнинг провокацион саволлар, профессионал турли тактик моделлари таклиф этилган. этика, когнитив компетенция. Шунингдек, Ўзбекистон қонунчилиги асосида ОАВ билан ҳамкорлик ва ахборот бериш жараёнларининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПРОВОКАЦИОННЫХ ВОПРОСОВ И РАСПРОСТРАНЕНИЕ ЛОЖНОЙ ИНФОРМАЦИИ В ПРОЦЕССАХ ДИСКРЕДИТАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ СЛУЖАЩИХ

Гулчехра Сайфуллаевна Ашурова

*Самостоятельный исследователь Академии государственной политики и управления при Президенте Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: общественность, СМИ, общественное мнение, традиционные роли, открытость, подотчётность, социальная ответственность, имидж государства, доверие между правительством и обществом, культура административного управления, конструктивное мышление, “Social Media Savvy”, информатор, обратная связь, провокационные вопросы, профессиональная этика, когнитивная компетенция.

Аннотация: В данной статье анализируется культура и стратегические подходы государственных служащих к ответам на неудобные и провокационные вопросы в процессе взаимодействия со средствами массовой информации (СМИ). На основе международного опыта рассматриваются различные тактические модели реагирования на провокационные вопросы. Кроме того, проанализированы правовые основы взаимодействия со СМИ и предоставления информации в рамках законодательства Республики Узбекистан.

Ҳар қандай жамиятнинг давлат органларига бўлган ишончи, аввало, давлат хизматчиларининг жамоатчиликка очиқлиги, ҳисобдорлиги ва юксак мулоқот маданиятида намоён бўлади. Бу борада ОАВ воситалари билан ҳамкорлик аҳамиятли ва ушбу жараён Ўзбекистонда охириги 10 йилликда фаоллашди. “Ҳукуматга кириш” учун “форточка”лар очилди. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим қарорларни қабул қилишда халққа ўз позициясини билдириш учун шарт-шароит яратилди. Табиийки, бошқарувдаги ушбу бурилиш давлат хизматчиларининг касбий кўникмаларини ривожлантириш заруратини пайдо қилди.

Ижтимоий тармоқ орқали расмий интернет нашрининг ҳокимлик биносига кириб, масъул раҳбарни провокацион саволларга тутаётгани видеоси эълон қилинди. На журналист профессионал фаолият нормаларига риоя қилди ва на давлат хизматчининг бу ҳолат бўйича касбий кўникмаси кўзга ташланди. Ваҳоланки, бугун ушбу соҳанинг ҳуқуқий базаси анча мустаҳкамланган. “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги,

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги каби қатор қонунлар, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги [1] кодексда ҳам йўналишдаги муносабатлар тартибга солинган. Шунга қарамай, давлат хизматига оид профессионал касб этикаси, жумладан, холисликка амал қилмасдан эълон қилинаётган материаллар кўзга ташланыпти.

Замонавий жамиятда давлат бошқаруви тизимининг очиклиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда ОАВ муҳим ижтимоий институт сифатида фаолият юритади. ОАВ нафақат ахборот тарқатиш, балки жамоатчилик фикрини шакллантириш, давлат сиёсатининг мазмунини кенг аҳоли қатламига етказиш, халқ ҳамда давлат ўртасида мулоқот кўприги воситаси сифатида ҳам хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, давлат хизматчилари ва журналистлар ўртасида самарали ҳамкорлик - замонавий бошқарув амалиётининг ажралмас қисмига айланди.

Давлат фуқаролик хизмати лавозимида ўз фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлат фуқаролик хизматчисидир [2]. Журналист эса меҳнатга оид ёки бошқа шартномавий муносабатлар асосида оммавий ахборот воситалари учун хабарлар ва материалларни тўплаш, таҳлил этиш, таҳрир қилиш, тайёрлаш ҳамда тарқатишга доир фаолиятни амалга оширувчи шахс [3]. Ҳар қандай қонунчиликка кўра, улар шахсининг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт. “Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг намунавий қоидалари”га кўра (5-боб), давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига кўмаклашиши кераклиги белгилаб қўйилган. Провокацион саволлар - атайлаб шубҳа уйғотувчи, тажовузкор ёки жавоб берувчини оғир ҳолатга солиш учун бериладиган саволлар [4]. Бундай саволлар кўп ҳолларда ҳақиқий жавобни олишга эмас, балки шов-шув чиқаришга қаратилади.

Провокацион саволлар феномени. Провокацион саволлар - жамоатчилик олдида давлат хизматчиларини қийин вазиятга солиш, уларнинг сўзини нотўғри талқин қилиш ёки обрўсини тушириш мақсадида қўйиладиган саволлардир. Илмий адабиётларда бу усул "коммуникатив манипуляция" шаклларида бири сифатида баҳоланади. Масалан, журналист ёки блогер саволни шундай тарзда ифода қиладики, унга бериладиган ҳар қандай жавоб давлат хизматчисини айбдор сифатида кўрсатиши мумкин.

Тадқиқотларга кўра, журналистлар провокацион саволларни бир неча сабабларга кўра беришади. Бунинг ичида жамият манфаатларини ҳимоя қилишдан тортиб, шахсий ёки оммавий ахборот воситаси имижини оширишгача бўлган мақсадлар бор. Кўп ҳолларда улар

давлат ва жамоатчилик ўртасида очикликни таъминлаш, масъул раҳбарнинг лидерлик салоҳиятини баҳолаш, аудиторияни жалб қилиш, жамоатчилик манфаатини ҳимоя қилиш ва манипулятив мақсадлар учун провакацион саволлардан фойдаланишади. Баъзи ҳолларда саволлар “ҳақиқат излаш”дан кўра “карама-қаршилиқ яратиш”га ҳам хизмат қилади. Бу профессионал журналистиканинг этикасига зид. Бироқ, амалиётда учрайди.

Бундай саволлар кўпинча жамоатчилик билан учрашувларда, матбуот анжуманларида, ОАВда ва ижтимоий тармоқларда берилади. Мисол учун, "Ҳақиқатни айтишга тайёرمىсиз ёки сиз ҳам бошқалар каби?"", "Сиз фақат қоғозда ислоҳот қилияпсизми?", "Нега оддий мактабларда дарс сифати паст ва нега у мактабда сизни фарзандингиз ўқимаяпти?" каби шунга ўхшаш саволлар берилади. Бундай ҳолатларда қандай йўл тутиш бўйича халқаро стандартлар мавжуд. Улар қуйидагилар:

Жавобни кечиктириш: Агар савол жуда ноқулай ёки хато бўлса, унинг аниқлигини текшириш ва жавоб беришдан олдин вақт олиш тавсия қилинади.

Жавобни рад этиш: Агар савол давлат сири ёки хизматчининг касбий позициясини бузса, уни рад этиш мумкин.

Жавобни юмшатиш: Агар саволга жавоб бериш керак бўлса, уни юмшатиб, дипломатик тилда жавоб бериш керак бўлади.

Жавобни қайта шакллантириш: Саволга тўғридан-тўғри жавоб бериш ўрнига, унга ўхшаш бошқа мавзудаги савол билан жавоб бериш мумкин.

Жавобни ҳаддан ташқари рад этиш: Агар савол ёлғонга қурилган бўлса, уни рад этиш ва бу ҳақда умуман маълумот бермаслик мумкин. Бу стратегиялар давлат хизматчиларининг мулоқот давомида профессионалигини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Соҳада ўтказилган тадқиқотларда кўра, хорижий мамлакатларда айрим юқори лавозимдаги шахсларда “дистанцияли дипломатик нутқ” кўриниши шаклланган. Аммо кўп ҳолатларда хизматчилар сўз эркинлиги ва танқидий саволларга муносабатда ҳимоявий ёки эмоцияга асосланган жавоблар беришади. Бу ҳолат матбуот анжуманлари ва жонли эфирларда яққолроқ кўзга ташланади. Таҳлилларга кўра, хорижий мамлакатларда бундай ҳолатларга нисбатан институционал ёндашув мавжуд бўлиб, хизматчилар доимий равишда “кризис коммуникация” ва “жамоатчилик олдида сўзлаш” бўйича тайёргарликдан ўтишади. Жумладан, малакали давлат хизматчилари иштирокидаги матбуот анжуманлари, интервьюлар “контент-таҳлил”дан ўтказилади. Давлат хизматчилари иштирокида Саволномалар ўтказилиб, шундай типдаги интервьюлар юзма-юз ташкил этилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, провакацион саволларга пухта жавоб бериш - давлат хизматчисининг касбий салоҳияти, эмоционал интеллекти ва стрессни бошқариш қобилиятига боғлиқ. Энг энг кўп провакацион саволлар коррупция, хизматдаги

қоидабузарликлар ва адолатсизлик мавзуларига оид эканлигини контент таҳлиллар кўрсатган. Мутахассислар давлат хизматчиларига ОАВнинг ноқулай ва провакацион саволларига жавоб бериш жараёнида қуйидагиларга амал қилишни тавсия қилади(манба):

- Аниқ маълумотлардан фойдаланинг;
- Профессional ибораларга эътиборли бўлинг (кўп ишлатманг);
- Савол бошида журналист ноўрин(ҳақиқатдан йироқ) ишлатган фактларга аниқлик киритинг;
- Сизни асосий масаладан чалғитувчи сўзларга эътибор берманг;
- Журналист сизнинг номингиздан беришини ўзи истаётган “иқтибос”га хушёр бўлинг;
- Рақобатчиларингизни танқид қилманг;
- Журналист орқали аудитория билан мулоқот қилаётганингизни ёдда тутинг;
- Мулоқот охиригача ўзингизни табиий тутинг;
- Жавобингиз фақат ахборот бериш эмас, кўпроқ таҳлилий фикрлардан иборат бўлсин;
- Адабий тил нормаларига риоя этинг;
- Аниқ “ҳа” ёки “йўқ” деган жавобни имкон қадар ишлатманг;
- Жавоб бераётганда ўзингизни ҳимоя қилаётгандек тутманг;
- Бир фикрдан иккинчисига тезда ўтиб кетишга шошилманг (орада кичик пауза қилинг);
- Журналист билан тортишманг;
- "З-сония қоидаси"ни қўлланг. Жавоб беришдан олдин нафас олинг, танангизни тик тутинг ва сўз бошланг;
- Шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ саволларга жавоб бермасликка ҳақлисиз.
- Нейтраллик ва эмоционал барқарорликни сақланг.
- Этика ва профессионал стандартларга амал қилинг.
- Саволни муаллақ қолдирманг(шахсий ҳаётингизга тегишли маълумотлардан ташқари).

Шу ўринда мавзуга доир, амалиётда муҳокама бўлган кейсни кўриб чиқамиз. Давлат хизматидаги масъул раҳбар жойига чиқиб, тегишли ижрочилар билан бирга қурилиш сифатини текширяпти, яъни хизмат фаолиятини олиб борапти. ОАВ вакили келиб, унга провакацион саволлар бера бошлади. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, ОАВ эркин ва қонунга мувофиқ иш олиб боради. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш,

олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини, оммавий ахборот воситаларининг мулк ҳуқуқини, давлат органларининг ғайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш тақиқланади. Демак, журналист қонуний фаолият олиб бормоқда.

Энди ҳолатнинг иккинчи томонини ҳам кўриб чиқамиз. Айни шу қонуннинг 351-моддасига кўра, “Оммавий ахборот воситаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров билан уларга оғзаки ёки ёзма шаклда (шу жумладан электрон ҳужжат шаклида) мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир, шунингдек мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этиш тўғрисидаги сўрови кўпи билан етти кун муддатда кўриб чиқилади. Агар оммавий ахборот воситасининг сўровини кўриб чиқиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатлари жумласига кирмаса, сўров сўралаётган ахборотни тақдим этиш ўзининг ваколатига киритилган органга рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан кун ичида юборилади, оммавий ахборот воситаси эса бу ҳақда хабардор қилинади. Демак, сиз ОАВ вакилининг мурожаатига жавоб бериш учун кўпи билан етти кун муддат олишга ҳақлисиз. Қолаверса, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексга кўра(198-модда), ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш таъқиқланади. Демак, хизмат фаолиятингизни олиб бораётган даврда ушбу ҳуқуқингиздан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Қолаверса, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс”нинг 2022-моддасида шахснинг кадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши кўрсатилган. Бироқ, фойдаланувчилар кўп ҳолларда бундай чиқишларини “фикр эркинлиги” ноқоби остига яширмоқда. Ёлғон ахборот (фейк) давлат хизматчиларига оид асоссиз маълумотлар фақат шахсий имижга эмас, балки давлат нуфузига ҳам путур етказади. Бу ҳолат жамоатчилик билан самарали мулоқотни қийинлаштиради ва ижтимоий ишончнинг йўқолишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолатга қарши самарали курашиш учун қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, давлат хизматчиларининг ахборот билан ишлаш малакасини ошириш ва жамоатчилик билан мулоқотда очиклик ва шаффофлик тамойилларига амал қилиш зарур.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, замонавий давлат хизматчиси фаолиятига қўйилаётган талаблар фақат самарадорлик билан чекланиб қолмай, балки очиқлик, шаффофлик, институционал ҳисобдорлик ва жамоатчилик олдида жавобгарлик каби демократик бошқарув тамойилларига ҳам асосланади. Бу эса давлат хизматчисидан нафақат ахборотни узатиш, балки ижтимоий коммуникация жараёнида фаол иштирок этиш, ОАВ орқали жамоатчилик билан интерактив мулоқот олиб бориш қобилиятини ҳам талаб қилади. Бундай шароитда, ноқулай ёки провокацион дискурс шаклидаги саволлардан қочиш эмас, аксинча, уларга касбий стандартлар ва когнитив компетенциялар асосида муносиб жавоб беришни - халқ ишончини мустаҳкамлаш имконияти сифатида қабул қилиш лозим. Ушбу икки томонлама ҳамкорлик - давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни сақлаш, фуқаролар фаоллигини рағбатлантириш ҳамда самарали бошқарув муҳитини яратади. Давлат хизматчилари ўз вазифаларини сидқидилдан, онгли равишда амалга оширса, табиийки, ОАВнинг ҳар қандай саволларига профессионал жавоб бериш имконияти ҳам кенгайди. Натижада, давлат бошқарувида интерактив мулоқот, транспарент механизмлар (шаффофликни таъминловчи усуллар) ва жамоатчилик билан ижобий алоқалар ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Миллий қонунчилик базаси - <https://lex.uz/>
2. “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун, 10-модда
3. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун, 3-модда
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати — <https://izoh.uz/>